ЯНВ 1992

• *29 декабрь куни Ўзбекистон халқи республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини маъқуллади*

• **Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ сайловда қатнашганларнинг 86,0 фоиз овозини олиб, Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди**

Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 253 (21. 119) 1991 йил 31 декабрь сешанба

Баҳоси 8 тийин.

РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ МАСАЛАГА ДОИР РЕФЕРЕНДУМ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1991 йил 30 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг Қ. А. Аҳмедов раислигида бўлиб ўтган мажлисида республика референдуми ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари чиқарилди.

Республикада сайлов умуман уюшқоқлик билан, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун талабларига мувофиқ ўтди, унда фуқаролар ғоят фаоллик кўрсатдилар. Овоз бериш натижалари тўғрисида округ сайлов комиссиялари тақдим этган протоколларни кўриб чиққан Марказий сайлов комиссияси республика ҳудудида тузилган 13 та сайлов округининг барча 6994 та участкасида овоз берилганини аниқлади.

Республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини қувватлаб 9718155 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи овоз берди, шу жумладан сайлов округлари бўйича овоз бериш натижалари 1-иловада келтирилган.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 26-моддасига асосан қарор қилди:

Республика Олий Кенгаши эълон қилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини бутун халқ маъқуллаганлиги эътироф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови муқобиллик асосида ўтди, президентлик лавозимига икки номзод овозга қўйилди. Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди учун 8514136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86,0 фоизи, Салай Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ) номзоди учун 1220474 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 12,3 фоизи овоз берди, шу жумладан сайлов округлари бўйича овоз бериш якунлари 2-иловада келтирилган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан қарор қилди:

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди, деб ҳисоблансин.



ТОШКЕНТ. 473/15 сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов республика мустақиллиги учун овоз берди.

Р. Жуманиёзов олган сурат. (ЎзТАГ фотохроникаси).

1-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯСИНИНГ 1991 ЙИЛ 29 ДЕКАБРДАГИ ОВОЗ БЕРИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТИ

тартиб рақами	округлар номи	овоз бериш учун рўйхатга киритилган фуқаролар умумий сони	овоз беришда қатнашган фуқаролар сони	фоиз	ёқлаб овоз берган фуқаролар сони	фоиз	қарши овоз берган фуқаролар сони	фоиз	ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	фоиз
1.	Тошкент шаҳар	1273875	1136871	89,3	1076154	94,7	59571	5,2	1146	0,1
2.	Тошкент вилояти	1153393	1076836	93,4	1054062	97,9	21219	2,0	1555	0,1
3.	Андижон	929535	886817	95,4	880093	99,2	6198	0,7	526	0,1
4.	Бухоро	861129	796411	92,5	783098	98,3	13313	1,7	—	—
5.	Жиззах	364474	353758	97,1	350438	99,1	3210	0,9	110	—
6.	Қашқадарё	787260	753772	99,8	743704	98,7	8951	1,2	1117	0,1
7.	Наманган	780224	752099	96,4	743579	98,9	8033	1,0	487	0,1
8.	Самарқанд	1170755	1120192	95,7	1108354	98,9	11268	1,0	570	0,1
9.	Сурхондарё	621038	590259	95,0	583548	98,9	6608	1,1	103	—
10.	Сирдарё	288034	281484	97,7	278502	98,9	2875	1,0	107	0,1
11.	Фарғона	1164643	1079185	92,7	1064043	98,6	13568	1,3	1574	0,1
12.	Хоразм	518254	485332	93,7	474685	97,8	10095	2,1	552	0,1
13.	Қорақалпоғистон Республикаси	602452	585691	97,2	577895	98,7	7385	1,3	411	—
	Республика бўйича жами	10515066	9898707	94,1	9718155	98,2	172294	1,7	8258	0,1

2-ИЛОВА

1991 ЙИЛ 29 ДЕКАБРЬ КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЪЛУМОТИ

Округлар номи	сайловчиларнинг умумий сони	овоз беришда қатнашган сайловчилар сони	фоиз	ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони	фоиз	И. А. Каримов: ёқлаб	фоиз	қарши	фоиз	С. Мадаминов (Муҳаммад Солиҳ): ёқлаб	фоиз	қарши	фоиз
Тошкент шаҳар	1273875	1137969	89,3	21506	1,9	1028637	90,4	87826	7,7	85827	7,5	1030636	90,6
Тошкент вилояти	1153393	1077138	93,4	14702	1,4	997387	92,6	65049	6,0	63899	5,9	998537	92,7
Андижон	929535	886661	95,4	10461	1,2	799960	90,2	76242	8,6	73874	8,3	802326	90,5
Бухоро	861129	796295	92,5	11009	1,4	686292	86,2	98994	12,4	93034	11,7	692252	86,9
Жиззах	364474	353730	97,0	2764	0,8	324937	91,9	26029	7,3	25441	7,2	325525	93,0
Қашқадарё	787260	753696	95,7	11509	1,5	597184	79,2	145003	19,3	141784	18,8	600403	79,7
Наманган	780224	752167	96,04	9786	1,3	665832	88,5	76549	10,2	72428	9,6	669953	89,1
Самарқанд	1170755	1121326	95,8	9410	0,8	1004903	89,6	107013	9,6	104700	9,4	1007216	89,8
Сурхондарё	621038	590234	95,0	6205	1,1	510174	86,4	73855	12,5	71561	12,1	512468	86,8
Сирдарё	288034	281469	97,7	1597	0,6	264783	94,1	15089	5,3	14996	5,3	264876	94,1
Фарғона	1164643	1079185	92,7	16015	1,5	941522	87,2	121648	11,3	118498	11,0	944672	87,5
Хоразм	518254	485534	93,7	8227	1,7	193346	39,8	283961	58,5	276404	56,9	200903	41,4
Қорақалпоғистон Республикаси	602452	585554	97,2	6632	1,1	499179	85,3	79743	13,6	78028	13,3	500894	85,6
Республика бўйича жами	10515066	9900958	94,2	129823	1,3	8514136	86,0	1256999	12,7	1220474	12,3	8550661	86,4

Ислом КАРИМОВ:

ЯХШИ КАЙФИЯТ, ОМАД ЁР БЎЛСИН!

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат олийгоҳининг мусиқали драма ўқув театри биноси эрта тонгданоқ гавжум. Бу ерга 473-сайлов округининг 15-сайлов участкаси жойлашган. Карнай-сурнай садолари бир зум тинмайди. Участка томон келаётган сайловчиларнинг эса кети кўринмайди. Улар бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Республика мустақиллиги учун овоз беришга шошилмоқдалар...

Соат миллари 12 га яқинлашганда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳам кириб келди. Фуқаролик бурчини адо этиб бўлгач, у мухбиримизнинг саволларига жавоб берди.

— Ислом Абдуғаниевич, менинг назаримда сайловчиларнинг кайфияти, руҳи баланд. Чунки улар Сиз ва сиз бошлиқ ҳукумат амалга ошираётган ишлардан ҳурсандлар. Президент бўлиб сайланишингизга ишончимиз комил. Шундай экан, халқ танлаган ва сайлаган Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида дастлабки ишни нималардан бошламоқчисиз?

— Энг аввало, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашимиз зарур. Қуруқ гаплар, пуч ваъдалар халқнинг жонига тегди. Энди бағоят амалий ишларга зудлик билан киришишимиз керак. Бозор иқтисодиётига ўтишимиз ҳаёт тақозоси бўлиб турган бир пайтда халқни ижтимоий ҳимоялаш Президентнинг асосий бурчи деб биламан. Кўриб турибсиз, нарх-наво осмонга чиқиб кетяпти. Мен иложи борича нарх-навони оширмасликка, уни шундайлигича сақлаб қолишга ҳаракат қиляпман. Аминманки, янги йилнинг биринчи чорагида нарх-навони сақлаб қолишга бизда имконият топилади. Ҳозир бунинг чора-тадбирлари кўрилмоқда.

— Иқтисодий қарамликдан чиқиш учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз?

— Тўғри, ҳозир 60 фоиз товар-маҳсулот четдан келтирилаётган экан, бунинг учун энг аввало республика саноатини ривожлантириш, кичик корхоналарни оёққа турғазиш, халқ эҳтиёжига яраша кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришимиз зарур бўлади. Айниқса, ишбилармонлик ва тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш керак. Бунинг учун бизда янги-янги имкониятлар очилмоқда. Танг холда қолган иқтисодиётни оёққа турғазишда, уни жонлаштиришда кадрлар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун кўплаб ёшларимизни чет элларга ўқишга юбормоқдамиз. Улар билимларини оширишмоқда, иш ўрганишмоқда. Менинг тилагим — Ўзбекистон ёшлари дунёни кўришсин, ўқишсин, ўрганишсин. Халқимиз «Юрган дарё, ўтирган бўйра», деб бежиз айтмайди.

Ўзбекистон жуда бой мамлакат. Бизда ҳамма нарса бор, десам муболаға бўлмайди. Ҳозирги аниқ маълумотларга қараганда, бизда олтин, нефть запаслари борки, улардан оқилона фойдаланиш туфайли тез йилларда республикамизни дунёнинг энг ривожланган бой мамлакатлари сафига қўшиш имконияти туғилади. Мен шунга ишонаман. Ўзбекистон халқлари ҳа демай бой-бадавлат яшайдилар. Бунинг учун изланишимиз, астойдил меҳнат қилишимиз, баҳамжиҳат бўлишимиз лозим.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ОРҚАЛИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ҚУТЛАЙДИ

— Жаноб Президент, айтинг-чи, Ўзбекистон келажакда ўз армияси, Қуролли кучларига эга бўладими?

— Албатта бўлади. Булар бизнинг келажакда амалга оширмоқчи бўлган ишларимиздир. Лекин биз ҳар бир ишда етти ўлчаб бир кесмоғимиз лозим. Айни пайтда бу борада тараққий этган давлатларнинг, шу жумладан Туркия давлатларининг тажрибаси ўрганилмоқда.

— Республикадаги кўпгина завод ва корхоналар кўп йиллар «марказ»га ишлаб келди. Республикага эса бир мири ҳам нафи тегмади. Устига устак атроф-муҳитни нифлослантириб, экологияни бузмоқда. Улар қачон тартибга келтирилади? Айниқса, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистонга нафи тегадими?

— Мен ҳар бир соҳада тартиб-интизом бўлишини ёқтираман. Тартиб-интизом бўлмас экан, ишларимиз олға силжимайди. Ҳалолни ҳаромдан ажратолмай қоламиз. Бу бир. Иккинчидан, ҳозир Республика ҳудудидаги корхоналарнинг ҳаммаси мустақил Ўзбекистонга бўйсунади. Агар сиз саволни уларда маҳаллий кадрлар етишмайди, деб берганингизда тўғри бўлур эди. Чунки кўпгина корхоналарда маҳаллий ишчи-кадрлар етишмайди. Биз уларни тайёрлашга, мазкур корхоналарни маҳаллий кадрлар билан таъминлашга, ва ҳатто бошқарув аппаратини ҳам маҳаллий кадрлар билан тўлдиришга эътибор беришимиз зарур. Экология масаласига келсак, албатта атроф-атрофни ифлослантираётганлар мутлақо тўғри. Уларга қатъий чоралар кўрилмоқда ва бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади.

— Юқорида Сизнинг Президент бўлишингизга ишончимиз комил, деб айтдик. Айтинг-чи, Президент бўлиб сайланганингиздан сўнг Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Марказий Кенгаши Раислигидан воз кечишингиз мумкинми?

— Менимча, инсон эзгулик учун туғилади. У ким бўлишидан қатъий назар, дунёга яхшилик қилиш учун келади. Ҳар бир инсонда имон-эътиқод бўлиши керак. Ҳозирги шиддаткор давримизда эзгулик учун туғилиб бораётган партияларнинг мақсади ҳам шундай, деб ўйлайман. Улар эндигина ҳаётга қадам қўйишяпти, атак-чечак қилишяпти. Улар оёққа турсин, шакллансин. Одамларга бирор бир наф келтиришга қодир бўлсин. Ана шундагина Президент сиёсатдан, мафкурадан холи бўлса арзийди.

— Ислом Абдуғаниевич, кечирасиз, сўнгги савол, халқимизга янги йилда тилакларингиз, истакларингиз...

— Менинг энг эзгу тилагим республикамиз аҳолисини қишдан тўқ ва соғ-саломат олиб чиқишдир. Яна уларга омад, яхши кайфият тилайман. Ҳозирги оғир вазиятдан мутлақо тушкунликка тушмаслик керак. Кайфиятимиз қанчалик яхши бўлса, ишларимиз шунчалик унумли бўлади.

Суҳбатдош

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ХАЛҚ ИРОДАСИ:

ГУЛЛА, ЯШНА, МУСТАҚИЛ,

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУХБИРЛАРИ ВИЛОЯТЛАРДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

• АНДИЖОН

«ҲАР ҚАНЧА РАҲМАТ АЙТСАК ҲАМ ОЗ»

Якшанба. 29 декабрь. Андижан эрта уйғонди. Бир зумда кўчалар, хиёбонлар, майдонлар гавжумлашиб кетди. Башанг кийинган нуроний кексалар, йигит ва қизлар мусаффо тонгда ўз фуқаролик бурчларини ўташ учун сайлов участкаларига йўл олдилар.

Шаҳардаги 31-ўрта мактаб биносида жойлашган 20-сайлов участкаси. Бу ерда овоз берувчилар рўйхатида 2780 сайловчи бор. Радио карнайдан ажойиб куй таралади. Катта-кичик ҳаяжонда. Кекса сайловчилар ўтмиш билан бугунни таққослаб, мамнун жилмайишади. Ўзбекистонда президентлик ва мустақиллик сайлови биринчи марта ўтаётгани ҳақида тўлқинланиб гапиришади. Сайлов участкаси раиси, 31-ўрта мактаб директори Маидахон Насриддинова сайловчиларни умумхалқ шодиёнаси билан қизғин табриклаб, уларни Ўзбекистон Республикаси президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон республикасининг мустақиллиги учун овоз беришга таклиф этди. Шу мактаб фарроши Муборакхон Жабборова биринчи бўлиб Ислом Абдуғаниевич Каримов учун ва мустақил Ўзбекистон учун овоз берди. Шундан кейин эрта тонгда иш бошлайдиган бир гуруҳ шофёрлар ўзларининг фуқаролик бурчларини адо этдилар.

— Биз катта шарафга, ўзбек халқининг ҳақиқий ғамхўри Ислом Каримов учун овоз бериш шарафига муяссар бўлдик, — деди «Дўстлик» маҳалласида яшовчи шифокорлар Гулсарахон Ҳакимова билан Дилбархон Қўчқорова. — Андижон вилоятида содир бўлган барча ўзгаришларни кўриб турибмиз. Бу яхши ишларда президентликка номзодимизнинг муносиб ҳиссаси бор.

Овоз бериш қизғин бошланиб кетди. Сайловчилар ўз қувончларини дил сўзларида ифодалашди. Андижон давлат муаллимлар олийгоҳининг доценти, тарихшунос олим Сайфиддин Жалилов бундай деди:

— Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан камқувват. Уни бу ҳолатдан Ислом Абдуғаниевичгина олиб чиқиши мумкин. У республика учун анча иш қилди. Ана шу киши бош бўлиб мустақилликка қадам қўйилди. Ўзбекистон эндиликда бировларнинг аралашувисиз чет эллар билан дўстлик алоқаларини боғлади. Айниқса, Туркия билан яқинлашув ҳаммамизни шод этди. Мен ва оилам мана шуларни ўйлаб И. Каримов учун овоз бердик.

— Мен шахсан Ислом Абдуғаниевич учун овоз бердим, — деди халқаро «Эл» уюшмасининг Андижон бўлими раиси, пенсионер Абдуғани Ҳамидов. — Сабабими? У киши раҳбарлигида биз давлат мустақиллигини тасдиқлаш ҳуқуқига эришдик. Бу ўзбек халқи тарихида сира ҳам унутилмас воқеадир.

Сайлов участкаси ёнида уруш ногирони, меҳнат фахрийси 70 ёшли Болтабой ота Тожибоев бир гуруҳ сайловчилар билан суҳбатлашиб турибди:

— Бир оиладан тўрт сайловчи Ислом Каримов учун овоз бердик. Чунки, шу киши сабаб бўлиб тарихимиз, маданиятимиз, урф-одатимиз, динимиз, қадриятларимиз қайта тикланяпти. Мана шунинг учун ҳам унга ҳар қанча раҳмат айтсак оз.

Дўстлик маҳалласида жойлашган 20-сайлов участкасида рўйхатга олинган сайловчиларнинг ҳаммаси зўр уюшқоқлик кўрсатди. Кунининг биринчи ярмидаёқ улар ўз фуқаролик бурчларини бажариб бўлдилар.

Андижон вилоятининг Балиқчи, Шаҳрихон, Комсомолобод, Избоскан, Хўжаобод, Марҳамат ва бошқа районларидаги сайлов участкаларида ҳам сайловлар ана шундай юксак сиёсий фаоллик вазиятида, якдиллик, уюшқоқлик руҳида ўтди.

А. ҚУРОНБОЕВ.

• БУХОРО

АБДУЛЛА ОТА НИМА ДЕЙДИ?

Отахон оқшом пайти невараси Садриддинга барча оила аъзоларини тўплашни буюрди. Оила эса катта. Отанинг 7 фарзанди, 15 невараси, 7 чевараси бор.

Кечқурун ҳамма кенг дастурхон атрофида йиғилди. Отахон қаҳрамонлик нишонини кўксига тақиб давра тўрига чиқди. «Олтин юлдуз»ни у фақат катта оилавий тантаналарда кўксига тақади, холос.

Ҳамманинг назари Абдулла отанинг оғзида. У бир зум тин олиб, ҳаммага бирма-бир қараб чиқди. Кейин оҳиста оҳангда деди:

— Эрта тонгданоқ ҳаммаларингиз яна шу ерга келасизлар. Биргаликда сайлов участкасига чиқамиз. Ўзбекистон мустақиллиги, жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримов учун овоз берамиз!

Ҳеч ким отахоннинг гапини икки қилмади. Эртасига Кўкламовлар сулоласининг 33 вакили биринчилардан бўлиб сайлов бюллетенларини қутига ташлашди.

Жондор районининг 7-Ҳамза номли сайлов участкасида бундай пахтакор сулолаларнинг кўплаб вакилларини учратдик. Ҳамза номли жамоа хўжалиги рай ондаги байроқдорлардан бири. Айниқса, якунланаётган йил ҳамзаликларнинг омадини берди. Улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Кўкламов бошлаб берган анъанага амал қилиб, гектар бошига 40 центнер атрофида хирмон кўтардилар. Рўзи Исмоилов, Акром Ботиров, Сафар Жумаев, Баҳром Рустамов сингари уста пахтакорлар эса 42—47 центнердан ҳосил топширдилар. Хўжалик ихтиёрига 600 тонна пахта қолдирилди. Фақат пахтачиликдан бу йил 11 миллион сўм даромад олиш кўзда тутилмоқда.

Ҳаммаси бўлиб районда ташкил этилган 24-та сайлов участкасида 46881 киши овоз беряпти. Улар сайловга кўтаринки руҳ, яхши кайфият билан келишди. Зероки, район давлатга топширилган пахтанинг ҳажми бўйича ҳам, ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам вилоятда етакчилик қиляпти.

— Қишлоқ хўжалигидан олинаётган даромад, — деди биз билан суҳбатда халқ депутатлари район Кенгашининг раиси Ҳ. Раҳмонов, — ўтган йилгидан 100 миллион сўм кўп бўлиши кутиляпти. Бундан ташқари хўжаликлар ихтиёрида қолдирилаётган толани ҳам 110 миллион сўмга сотишни кўзламоқдамиз. Бутун диққат-эътибор мана шу ҳосил баракасидан жондорликларни бахраманд қилишга қаратилган.

Дарҳақиқат, шундай бўляпти. Фақат шу йил мобайнида районда 61 километрлик газ тармоғи ўтказилди. Учта янги мактаб, шунча боғча қурилди. 800 бош қорамол, 6 минг бош қўй арзон нархда оилаларга сотилди. Ишга тушган янги консерва заводи аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилишга ёрдам берди. Районда кам даромадли оилаларга иқтисодий мадад беришнинг таъсирчан тадбирлари кўрилаяпти. Янги йил арафасида ҳар бир кўп болали оила, уруш қатнашчиси ёки ногирон оиласига хўжаликлар ҳисобидан бир қопдан ун, 2 килограммдан гўшт бепул ажратилди. Шунингдек, ҳар бир фронтчига 100 сўмдан пул мукофоти берилди. Айни маҳалда барча қишлоқ оилаларига гўштнинг ҳар бир килограммини 20 сўмдан сотилди.

Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида жондорликларни ижтимоий ҳимоя қилишга имкон беряпти. Район меҳнаткашларининг юксак ишлаб чиқариш натижалари эса мустақиллигимиз кафолатидир.

Н. НАИМОВ.

• ЖИЗЗАХ

ЧИНАКАМ БАЙРАМ БЎЛДИ

Пахтакор районида республика Президенти сайлови ва республика мустақиллиги ҳақидаги референдум ғоят уюшқоқлик билан ўтди. 1-Бинокор сайлов участкасига сайловчилар овоз бергани жуда эрта келишди. Биринчи бўлиб қутига сайлов бюллетенларини ташлаган ва бундан ўзида йўқ қувониб турган кишидан ўзини таништиришни сўрадик.

— Район ички ишлар бўлимининг ахлоқ тузатиш ва ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш инспектори Абдужалил Ибрагимовман, — деди у. — Дам олиш кунлигидан фойдаланиб, турмуш ўртоғим Сожида Бўрибоева билан биринчилар қатори республика мустақиллиги ва Ўзбекистон тарихида илк бор ўтказилаётган Президент сайловида овоз беришга келдик. Бу кун яна шуниси билан эътиборлики, яқинда республика Президенти «Пахта иши» билан қамалган кишиларни авф этиш ҳақида фармон чиқаргач, районимиздаги бир неча фуқаро мана шундай байрамни оиласи, фарзандлари билан бирга нишонлашяпти. Бугун улар ҳам республика мустақиллиги учун овоз бериш, Президент сайловида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Хизмат вазифам улар билан ишлашни тақозо этганлиги туфайли бу ҳолнинг ўша фуқаролар учун нечоғли аҳамиятли эканлигини, уларнинг қувончларини тасвирлашга ожизман.

Бир зум ўтмасдан овоз бериб улгурганлар сони 40—50 нафардан ошди. Бироқ овоз берганларнинг ҳеч бири бу ерни тарк этгиси келмасди. Ҳамма ўзгача қизиқиш билан пойдевори қўйилаётган мустақилликнинг дастлабки онларини кузатишар, бир-бирларини байрам билан табриклашарди. Ҳа демай сайлов участкаси жойлашган «Бинокор» томошагоҳи биноси сайловчилар билан тўлиб-тошди. Сайлов участкаси раиси 7-автокорхона директори Отабой Юсупов, комиссиянинг бошқа аъзолари овоз бераётган ҳар бир сайловчига эътиборли бўлишга ҳаракат қилишади. Дарвоқе, Отабой Юсуповнинг Мирзачўл, Жиззах чўлларини ўзлаштиришда қатнаша бошлаганига 31 йилдан ошди. Бу даврда у неча ўнлаб янги хўжаликлар барпо этишда фаол иштирок этди. Ҳамкасблари айниқса унинг Мирзачўлни ўзлаштиришда А. Саркисов билан бирга ишлаган даврни фахр билан эслашади. Қувончлиси шундаки, бевосита республика Президенти сайлови ва жумҳурият референдумини ўтказиш куни арафасида у бошқараётган жамоа йиллик режани муваффақиятли уддалади. Ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар тақчиллиги шароитида 560 минг сўм соф фойда олинди. Режа уддаланган куни корхонада байрам бўлди. Ишчи-хизматчиларга бозордагидан анча арзон нархда гўшт сотилиб, балиқ тарқатилди.

— Республикамиз мустақиллиги ҳаммамиз учун ҳам табаррук, — дейди ҳайдовчи Г. Пухо. — Ўн етти миллат ва элат вакиллари меҳнат қилаётган жамоамиз аъзолари ҳеч иккиланмасдан Ўзбекистоннинг тўла мустақиллиги учун овоз беришяпти.

Бу кун Шарофат Носировaнинг ҳаётида айниқса ўчмас из қолдирадиган кун бўлди. Андижонда ўрта мактабни тамомлаб, чўлга отланган Шарофатга умрида биринчи бор сайловда қатнашиш бахти шу ерда, пахтакорлар орасида насиб бўлди.

— Жумҳуриятимиз мустақиллиги учун ўтказилаётган референдумда миллион — миллион юртдошларим қаторида эканлигимдан фахрланаман. Сайланадиган Президентнинг эса аҳолини, айниқса қишлоқда яшайдиган халқнинг турмуш даражасини кўтариш, сайловчилар ишончини оқлашга тилакдошман, — деди у.

Савдо ходими Мамаюсуф Хўжамуродов оиласидан беш киши — икки ўғли, келини ва қизи овоз бериб бўлганларида участка сайлов комиссиясининг котибаси Зуҳра Думанзе жами сайловчиларнинг 50 фоизи овоз бериб бўлганлигини айтди. Шу пайтда овоз бериш бошланганига эндигина икки соат бўлганди. Соат 10 га келиб Пахтакор райони бўйича жами 21 минг нафардан зиёд сайловчининг 14 минг 611 нафари ёки 69,3 фоизи овоз берди. Худди шу пайтда Ульянов сайлов участкасида жами сайловчиларнинг 90 фоизга яқини сайловда иштирок этишганини эшитиб, телефон орқали боғландик.

— Ульянов номли давлат хўжалиги марказида ҳақиқий байрам, — деди телефонда биз билан суҳбатлашган ижроқўм аъзоси, район молия бўлимининг мудири Раҳим Саидмуродов. — Эрта тонгданоқ овоз беришга ошиққан хўжалик меҳнаткашлари байрам хурсандчилигини авж олдирмоқдалар.

Ҳа, шу куни Ўзбекистон президентлигига сайлов ва республика мустақиллиги референдуми Пахтакор районида зўр уюшқоқлик ва кўтаринкилик руҳда ўтди.

Б. САТТОРОВ.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ. Термиз районидаги 7-сайлов участкасида республика Президенти сайловида ва Ўзбекистон мустақиллиги референдумида 2285 киши овоз берди. Суратда: участка фаоллари Улуғ Ватан уруши фахрийси, 90 ёшли Насриддин Ҳикматов ва унинг умр йўлдоши Холбиби Уроқова ҳузурига улар ўз овозларини беришлари учун сайлов қутичаси олиб келдилар.

И. Ҳўжаев олган сурат. (ЎзТАГ).

• НАМАНГАН

МУБОРАК КУН

Наманган вилояти халқи ҳам бугун жуда эрта уйғонди. Тонг саҳарданоқ кўчалар гавжумлашиб кетди. Улар республика президентлигига ўз номзодларини ёқлаб эркин овоз бериш ва жумҳуриятимиз мустақиллигини ҳимоя қилиш ниятида сайлов участкалари томон йўл олдилар. Биз бир неча сайлов участкаларига бордик, турли ёшдаги сайловчилар билан мулоқотда бўлдик.

Николай Филиппович ПЕТРУШЕНКО, уруш ва меҳнат фахрийси:

— Мен бир асрга яқин умр кечирдим. Лекин ҳаётимнинг энг навқирон йиллари Ўзбекистонда, айнан шу Наманганда ўтди. Бу ерда 1-пахта тозалаш заводида ишлаб юриб урушга кетдим. Душманни енгиб яна Наманганга, ўз жамоам қучоғига қайтдим. 35 йил бир жойда ишладим. Жуда кўп қийинчиликларни бошимдан кечирдим. Аммо кейинги йиллардаги тўпалонларга ҳеч қачон дуч келмаганман. Афсуски, мана шундай ҳол биз яшаб турган заминда рўй берди. Туб миллат вакили бўлмаган кўплаб кишилар, оилалар, тахликали кунларни бошидан кечиргани ҳеч кимга сир эмас. Хайриятки, республика ҳукумати, раҳбарлари, айниқса Ислом Абдуғаниевич Каримов жонбозлиги, матонати туфайли у кунлар сира қайтмас бўлиб ортда қолди. Ислом Абдуғаниевич халқлар дўстлиги, осойишта кунлар ҳамиша сақланиб қолиши учун мардона қурашяпти. Узоққа бормайлик, яқиндагина Наманганда бўлиб ўтган воқеаларни эслайлик. Ислом Абдуғаниевич Наманганга икки марта келиб баъзибир келишмовчиликларнинг олдини олди. У Наманган халқи тинчлигини ўйлаб ўз оромидан ҳам воз кечди. Халқ билан юзма-юз туриб гаплашди. Уларнинг илтимослари ва таклифларини бажонидил ҳал қилишга рози эканлигини айтди. Шундан сўнг одамлар бир фикрга келиб, вилоятда турмуш ўз изига тушиб кетди.

Мен бугун сайловга мана шу тинчлик барқарорлиги учун ва уни амалга оширишга қодир инсон Ислом Каримов номзодини қўллаб овоз бердим. Агар жумҳурият Президенти этиб И. Каримов сайланса, республикадаги турли миллат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечиришига ишонаман. Фақат тинчлик, тотувлик бўлса бугунги иқтисодий тангликлар чекинади. Жумҳурият референдуми масаласига келсак, менинг фикрим ҳамшаҳарларим, маҳалладошларим фикри билан бир — Ўзбекистон мустақил бўлгани яхши. Шунда унинг тақдири, келажаги, бутун имкониятлари ўз қўлида бўлади.

Малика МАДАМИНОВА, Наманган педагогика олийгоҳи сиртқи бўлими талабаси:

— Мен сайловда биринчи маротаба иштирок этяпман. Жумҳурият тарихида илк бор бўлаётган Президент сайлови ва республикамиз мустақиллиги референдумида ўз овозим билан қатнашаётганим ҳамда бу ишда менинг ҳам ўрним борлигидан ғоят бахтиёрман. Мен бугун бир нарсани дилимдан чуқур ҳис этдим: болалигимиз ортда қолиб, бизнинг ҳам жумҳуриятимиз, миллатимиз тақдирини ҳал қилишда фаол қатнашадиган пайтимиз келибди. Бу бахт, бу масъулиятни бир дақиқа ҳам унутмаслигимиз лозим. Зеро 18 га тўлмаган ёшларнинг, боқча, яслидаги жажжи укаларимизнинг тақдири ҳам бизнинг зиммамизда экан. Мен бугун нафақат ҳозирги кунимиз, ўзимиз учунгина эмас, балки келажак авлод тақдири учун ҳам республикамиз президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини ёқлаб овоз бердим. И. Каримов кейинги йилларда биз — талабалар, мактаб ўқувчилари учун жуда кўп ғамхўрликлар кўрсатдилар. Агар шундай қилинмаганида ёшлар ҳозирги иқтисодий танглик исканжасида анча қийналиб қолишарди. Мана энди И. Каримов ташаббуси билан ёшларни ҳорижий мамлакатларда ўқитиш, ҳар томонлама етук мутахассислар қилиб тарбиялаш чора-тадбирлари кўриляпти. Шу каби хайрли ишларни амалга оширишда Ислом акани қўллаб-қувватлашимиз, унга ёрдам беришимиз лозим. Бугун бизнинг оиламиздан дадамлар бошлиқ беш нафар киши сайловда иштирок этдик. Ҳаммамиз жумҳуриятимиз президентлигига Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини ёқлаб ва республикамиз мустақиллиги учун овоз бердик.

А. МАДАТОВ.

• САМАРҚАНД

СИЗ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ, СИЗГА ИШОНАМИЗ

Самарқандлик меҳнаткашлар кечаги сайлов куни ана шундай мулоҳаза юритдилар

Биз Ургут районидаги 23-Қайроқли сайлов участкасига соат 3 да кириб бордик. 1972 нафар сайловчининг 80 фоизи овоз бериб бўлган экан. Участкада бир гуруҳ қариялар билан суҳбатлашдик.

Ғанибобо ФАРМОНОВ, 73 ёш: — Мен бутун оилам билан ўртоқ Каримов номзодини маъқулладим. Ўзингиз ўйлаб кўринг, яхши яшашимиз, фаровон турмушимиз учун жасорат, фидокорлик кўрсатаётган инсонга овоз бермай бўладими? Деҳқонлар арзон нархда дон-дуи, емхашак, қорамол олишяпти, маошлар, нафақалар ошди. Хуллас, бу сиёсат бизга жуда маъқул.

Гулсум ая МУҲАММАДИЕВА: — Мен неварам билан келдим. Дарвоқе Собиржон сайловда биринчи марта қатнашяпти. Иккаламиз ҳам Ислом Каримов номзоди ва жумҳурият мустақиллиги учун овоз бердик. Бу иккаласини бир-бирисиз тасаввур қилолмайман. Фақат истагим шуки, ўртоқ Каримов ўзи бошлаган мустақиллик йўлини собитқадамлик билан давом эттирсин, бахтимизга у кишининг умри дароз, бошлари тошдек бўлсин.

Сайловчи Эсонбобо Ҳуррамов ўтган йили қўшимча томорқа олганини ва у ерда эркин деҳқончилик қилаётганини мақтаб-мақтаб гапирди. Қариялардан Маҳкам ая Хурсандова, Назирбобо Маматов, Асадбобо Саматов ҳам И. А. Каримов бошлиқ республика раҳбарияти тутаётган сиёсатни маъқуллашди.

— Қишлоқ Кенгаши худудида бешта сайлов участкаси фаолият кўрсатмоқда, — деди биз билан суҳбатда Ленин қишлоқ Кенгаши ижроқўми раиси Саттор Алиқулов. — Уларнинг барчасида сайлов кўтаринки руҳда ўтяпти. Бунинг боиси меҳнаткашлар, айниқса қишлоқ аҳли жумҳурият раҳбарияти ғамхўрлигини аниқ ҳис этиб турганлигидадир. Ахир Каримов Президент бўлганидан буён деҳқонларимиз озмунча енгиллик олишдими? Биргина 1991 йилда Крупская номли жамоа хўжалиги бошқаруви ўз аъзоларига 56 гектар ерни томорқа сифатида бўлиб берди. 500 киши уй-жой олди. Ҳозир хўжаликда участкага мухтож оила йўқ десак ҳам бўлади. Баъзилар Ўзбекистон мустақил бўлса, бошқа жумҳуриятлардан ажралиб қолади деган нотўғри тушунчага боришяпти. Аксинча, биз мустақилликни қўлга киритсак, истиқлол йўлида эркин ҳаракат қилиш имкониятига эга бўламиз.

Биз комиссия аъзолари билан хайрлашаётганда участка сайлов комиссияси раиси Раҳмон Ҳуррамов, котиби Барот Маматов тарғиботчилардан кичкина йўлов қутичасини қабул қилишди. Маълум бўлишича, улар махсус машинада қишлоқлардаги бемор ва қариялар нинг уйларига бориб келишган экан.

— Кексалари иззатда бўлган мамлакатга Оллоҳнинг марҳамати ёғилғай, — деди қариялардан бири юзига фотиҳа тортиб. Биз Нуронийларнинг қалб сўзларини эшитар эканмиз, бу гапларга чин дилдан қўшилдик.

Ф. ТОШЕВ.

• СУРХОНДАРЁ

УМИДВОРЛИК

Умидвор одам бугунги ҳарчоқдан хориб қолмайди. Қийинчиликларнинг юзига тик қарайди. Оби-ҳаво эртага албатта очилиб кетади, деб ўйлайди.

600 мингдан зиёд сурхондарёлик сайловчиларни ҳам бугуннинг ташвишлари чарчатиб қўйгани йўқ. Деярлик барча участкаларда президентлик сайлови ва референдум қизғин ўтгани шундан далолатдир. Тушкунлик, бефарқлик эмас, одамларда умидворлик устун. Ўзларининг умидвор туйғуларини одамлар шундай изоҳлайдилар:

Зафар СОАТОВ, Термиз автобус таксомотор парки директори:

— Ўтган бир йилнинг мазмуни халқимиз учун гўё бир асрга татигулик бўлди. Қарашларимиз тубдан ўзгарди. Жамоамизда салкам минг киши ишлайди. Ҳаммамизнинг ниятимиз битта: эл хотиржам бўлсин. Элда адолат, тинчлик, фаровонлик қарор топсин. Бизда президентликка номзодлардан биронтасини айрича олиб ташвиқот қилиш бўлгани йўқ. Биз бир нарсадан хурсандмиз — давлат чегаралари очиляпти. Юк ташувчига эса йўлнинг ровони, узоғи маъқул. Чет эл автомобиль заводларининг дарвозалари очиляпти. Бугун ёнилғидан, эҳтиёт қисмдан қийналиб турганимизни ва бугунги инқирозларимизни вақтинчалик ҳол деб ўйлайман. Бугун — сайлов ва референдум куни. Бу барча инқирозларимиз чекинадиган даврнинг бошланиши бўлсин, деб ният қиламиз.

Саидназар УМАРОВ, Жарқўрғон пахта тозалаш заводининг ишчиси, меҳнат фахрийси:

— Мен сайловнинг ёпиқ, яширин эканлигини билсам ҳам кўнглимдагини очиқ айтавераман: Ислом Каримовга овоз бердим. Шу одамнинг телевизордан айтган гаплари кўнглимга ўтиради. Оддий тилда гапиради. Биз шу одамга ишонамиз. Энди республиканинг мустақиллиги ҳақида икки оғиз гап. Ўзбекистон мустақил бўлсин деб овоз бердим. Мустақилликнинг қадри айниқса биз — пахтани қайта ишловчиларга қаттиқ билинади. Пахтани тойлаймизу, вагонга ортиб жўнатамиз. Уни масалан, чет элга ким сотяпти, қанчадан сотяпти, ўша пулдан пахтакор қандай манфаат кўряпти — бу нарсалар бизга қоронғи бўлиб қолмоқда. Маҳсулотдан биринчи бўлиб воситачи эмас, балки уни етиштирган одам кўпроқ манфаат кўрсин дейман.

Абдуваҳоб ЎРМОНБЕКОВ, Мамадамин АШУРОВ, меҳнат фахрийлари нафақахўрлар. Денов районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Ихтиёр маҳалласидан:

— Қариган чоғимизда эл раҳбарини элнинг ўзи сайлаганини кўриб турганимиздан хурсандмиз. Иншоолло бизда ҳам адолат тўла-тўкис қарор топса, Ҳеч бўлмаса қариганимизда оғайинбозлик, порахўрлик, юлғичликларнинг йўқолганини кўрсак. Фарзандларимиз, невараларимизнинг келажагидан кўнглимиз тўлиб кетсак.

Тўра ҚАРШИЕВ, Қумқўрғондаги 30-Калинин сайлов участкаси комиссияси раиси:

— Нуроний боболаримиз Норқобил Бегимқулов, Бердимурод Ортиқов, Умар Ҳоловлар овоз бериш учун ҳаммадан олдин келдилар. Мен илгари ҳам кўп бор участка сайлов комиссияларига раис бўлганман. Лекин сайловчиларнинг бугунгидек фаоллигини биринчи бор кўришим. Сайловчиларимиз тушга қадар овоз бериб бўлдилар. Одамларимиз ўзлари сайлаган Президентнинг бундан буён ҳам оқил ва одил сиёсат юритишига қаттиқ ишонишларининг нишонасидир бу.

О. УСАНОВ.

ҲУР ЎЗБЕКИСТОНИМ!

• СИРДАРЁ

ИШОНЧ ТАСДИҚЛАНДИ

Қишлоқ марказидаги Кенгаш идораси жойлашган бинога яқинлашганимизда республикамиз тарихида илк бор ўтказилаётган президент сайлови ҳамда умумхалқ референдуми тантаналарини тараннум этаётган куй-қўшиқлар янграрди. Фақат кейинги бир неча кун ичида одамлар кўз ўнгида шаҳар қиёфасига кирган Улуғобод қишлоғининг сердарахт, ям-яшил арчаларга бурканган равон, фойзли кўчаларидан келаётган сайловчиларнинг кайфиятлари ҳам байрамдагидек. Овоз бериш жойи бинонинг кенг, ёруғ қўш эшикли мажлисгоҳига жойлаштирилган экан. Сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон ХДП вақиллари, маҳаллий ҳокимият, матбуот ходимлари ва овоз беришни кузатиш учун келган меҳмонлар ҳам шу ерда. Сайловчиларнинг эркин кириб овоз бериб чиқишлари учун барча қулайликлар яратилган. Ҳозиргина овоз берган уруш ва меҳнат фахрийси Сотим ака Юнусметовни суҳбатга тортдик.

— Кечирасиз Сотим ака. Сиз ким учун овоз бердингиз?

— Буниси сир бўлса ҳам айтай. Мен ҳозирги Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов учун ҳамда республикамизнинг мустақиллиги учун биринчи бўлиб овоз бердим. Ҳаммани халқнинг меҳрини қозонган Каримов учун овоз беришга даъват этдим. Чунки ақлимни таниганимдан бери жонажон Ўзбекистонимизнинг мустақил бўлишини, унга айнан Каримовдек раҳбар бўлишини орзу қилардим.

Диққатимизни матолар билан ўралган хонадан юзлари қувончга тўлиб чиққан эллик ёшлардаги муаллим тортди.

— Кечирасиз, негадир сиз жуда ҳам хурсанд кўринасиз? — сўрадик ундан.

— Эй акажонлар, қувонмай нима қилай? Ахир мен Ўзбекистон диёрида биринчи марта сайловга қатнашиб, дастлабки овозимни ўртоқ Каримов учун бердим, — дейди 12-мактаб ўқитувчиси Мадамин Аданов. — Мен асли Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятиданман. Тақдир тақозоси билан ўтган йили шу ерга келиб қолгандим. Бу қишлоқнинг одамлари кўпмиллатли, энг муҳими оқибатли одамлар экан. Менга ўзбегу — тожик, қрим татару — ўрис бирдай меҳрибончилик қилишди. Қисқа вақт ичида ҳовли — жойли бўлдим. Оиламиз билан тўқ, фаровон яшаяпмиз. Ислом Абдуғаниевичга овоз беришимнинг боиси — у етук раҳбар, ўз халқини фаровон ҳаётга эриштиришга қодир, бунга ишончим комил.

Қўлига бюллетень ушлаган «Гулистон» паррандачилик корхонасининг директори Сервер Аблаев ҳам саволимизга И. А. Каримов номзоди ва Ўзбекистоннинг мустақиллиги учун овоз беришини айтди.

— Чунки мен бир оддий қрим татари фарзандиман. Шу диёрда ўсиб улғайдим. Оддий ишчиликдан илғор хўжалик раҳбаригача бўлган йўлни босиб ўтдим. Ўзбекистон халқ депутатлигига сайландим. Энг муҳими — менинг халқим Ўзбекистонда ўзини миллат сифатида тиклаб, маданияти, бой тарихи, қадриятини сақлаб қолди. Агар бу жумҳурият мустақил давлат бўлса, унга Ислом Абдуғаниевичдек довюрак, ақл-заковатли инсон бош бўлса на фақат ўзбек халқи, балки республикада яшовчи барча халқлар, жумладан менинг миллатим ҳам янада камол топади.

— Қишлоғимиз дўстлик шарофати билан обод-кўркам бўлиб эл оғзига тушмоқда, — деб бошлади ўз сўзини Улуғобод қишлоқ кенгаши раиси Даврон Мўминов, — ишонч билан айтишим мумкинки, Президент сайлови ва умумхалқ референдумини муваффақиятли ўтказиб олсак олдимизда турган вазифаларни амалга оширишимиз учун кенг йўл очилади.

Сайлов комиссияси аъзолари ҳузурига кирдик. — Соат ўнга яқинлашиб қолди. Сайловчиларнинг эса 90 фоизи овоз бериб бўлишди, — деди комиссия котиби Насиба Ҳайдарова. — Шу зайлда боргудай бўлса пешингача сайловчиларнинг ҳаммаси овоз бериб бўлиши турган гап.

Ташқарига чиқдик. Бу ерда озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари, газмол савдоси уюштирилган. Ўрта ёш, одмигина кийинган аёлни гапга тутдик.

— Тўғри ҳозир тақчиллик пайти. Аммо мен бу ерга бирор нарса харид қилиш илинжида эмас, балки бурчимни бажаргани келдим. Эл ишончини қозонган Каримовга овоз бердим. Илоҳим бахтимизга шу одам сайлансин. Қийинчиликлар эса вақтинчалик, ўтиб ҳам кетар. Аммо шу одамдай раҳбар керак бизга, — деди ўзини Люба Султонова деб таништирган Гулистон шаҳар Кенгашининг депутати, 24-болалар боқчасининг мудираси.

Депутатнинг қалб сўзлари Ислом Абдуғаниевич Каримов номзоди учун, Республиканинг мустақиллиги учун бериладиган ишонч овозларига янада қанот боғлади, кўпчилик овоз сўзсиз мустақил жумҳуриятнинг мустақил Президенти учун берилишига умид бахш этди. Буни сайлов охирида қилинган сарҳисоблар ҳам яққол исботлади.

Ж. УМАРҚУЛОВ.
Гулистон шаҳри.

• ТОШКЕНТ

АДОЛАТ, ЭЗГУЛИКНИ ДЕБ

Қибрай ўзининг қарсиллама узуми билан машҳур. Кейинги йилларда район мева ва сабзавот, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда бирмунча силжишга эришди. Қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқлари бўйича белгиланган режалар ортиғи билан адо этилди. Шу боис бугун, 29 декабрь куни эрталаб район маркази — Қибрай поселкасида жойлашган 29-сайлов участкасига оқиб келаётган кишилар чеҳрасида мамнунликни ўқиш мумкин эди. Сайлов комиссияси раиси, Ойбек номидаги 2-мактаб директори Зироат Абдуллаеванинг таъкидлашича, 2325 сайловчидан 1200 нафари ўз фуқаролик бурчларини ўтаб бўлибдилар. Шу пайт соат миллари эндигина ўндан ўн беш минут ўтганини кўрсатарди.

Сайлов участкаси дид билан безатилган. Магнитофондан ёқимли куй таралмоқда. Озиқ-овқат кўчма дўкони ишлаб турибди. Китоблар сотилаётган жойда одамлар кўп. Эндигина овоз бериб бўлган нуроний отахонни суҳбатга тортамиз.

— Мен Исломжон Каримов учун овоз бердим, — деди ўзини Адҳам Сайдаҳметов деб таништирган, П-гуруҳ уруш ногирони. — Чунки у жамият учун, ёшу-қариялар учун кўп ғамхўрлик қилмоқда. Нафақа пулим деярли икки баравар ошди. Турмуш ўртоғим ва икки қизим яшаётган уйимиз менинг номимга шахсий мулк сифатида расмийлаштирилди. Фахрийлар учун очилган дўкондан фойдаланаман. Ишончим комилки — иқтисодчи олим И. Каримовдек одам республикага Президент бўлар экан, ҳадемай, ишлар юришиб кетади.

Қибрай поселкасида яшаб Тошкентдаги 210-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаётган А. И. Зотов мамнун эканлигини билдирди.

— Мен И. Каримовни ёқлаб шунинг учун овоз бердимки, — деди у. — Президентимиз Ўзбекистон мустақиллиги ва уни мустаҳкамлаш йўлида дадил ҳаракат қилмоқда.

— Менга ҳам И. Каримовнинг ички ва ташқи сиёсатидаги фаоллиги ёқади, — суҳбатга қўшилди 4-озиқ-овқат дўкони мудири Ҳамида Мўминова. — Унинг Туркияга сафари Ўзбекистонимиз эртаги ривожи учун муҳим роль ўйнаши керак. Зотан, мамлакатлар ҳамкорлиги — халқлар ҳамкорлиги, демакдир.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Лекин биз сайлов қутиси ёнида кўзи ёшли аёлни учратамиз, деб ўйламаган эдик. Сабабини суриштирганимизда 88 ёшли Ҳадича ая Мирзакаримова И. Каримов бошлиқ ҳукумат ислом динига кенг йўл очиб бергани, адолат, эзгулик тантана қилаётгани, Президентликка номзоднинг ўзи етимпарвар, инсонпарварлигидан кўнгли бўшаб кетганини гапириб берди.

— Тўрт нафар фарзандим, 47-нафар невара-чевараларим бор, — деди у, — уларнинг келажаги, тақдири ҳозирги ҳукумат қўлида. Шу боис Президентликка сайланаётган кишининг халқпарвар бўлгани яхши. Мен ҳам кўпчилик қатори фарзанд ва невараларим номидан И. Каримов учун, Ўзбекистон озодлигини ёқлаб овоз бердим.

Район марказий шифохонаси «тез ёрдам» машинаси ҳайдовчиси Б. Абдусаломов, шу шифохона ҳамшираси С. Маҳмудова ва бошқа ўнлаб сайловчилар билан мулоқотимизда улар ҳам Президентликка И. Каримов номзодини кўрсатганликларини гапириб беришди.

Шу куни Тошкент вилоятининг барча сайлов участкалари сайловчилар билан гавжум бўлди. Сайлов якунидан қатъи назар, бир нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, барча сайловчилар адолат ва эзгулик посбони учун, барқарор тинчлик ва эртанги яхши келажак учун овоз берганликлари аниқ.

А. МАННОПОВ.

• ФАРҒОНА

ФУҚАРОЛИК БАХТИ

Фарғона вилоят сайлов комиссияси билан куннинг биринчи ярмида боғландик. Телефонни комиссия раиси Р. П. Лян кўтарди.

— Вилоят меҳнаткашлари бу галги сайловда ҳар қачонгидан фаолроқ иштирок этишмоқда, — деди Ревмир Петрович. — Жойлардаги сайлов комиссиялари, кўпдан-кўп сайлов участкалари фаоллари тайёргарлик даврида баҳамжиҳат ишладилар. Номзодлар ҳақида маълумотлар, сайлов ва референдум ҳужжатлари одамларга вақтида етказилди. Барча участкалардаги овоз бериш хоналари, сайлов қутилари ва бошқа анжомлар ўз фуқаролик сайлов ҳуқуқидан фойдаланишларида сайловчилар эркин ва бемалол бўлишларига мослаб ўрнатилди. Ҳозир соат ўн икки. Фрунзе, Ўзбекистон, Охунбобоев, бошқа кўпгина район ва шаҳарларда сайловчиларнинг учдан икки қисми овоз бериб бўлди. Сайлов ва референдум вилоятимизда муваффақиятли ўтмоқда.

Биринчи бор ўтказилаётган умумхалқ президент сайлови ва Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги референдумига тайёргарлик кўришга ЎзХДП кенгашлари ва маҳаллий ташкилотлари ўзларининг муайян ҳиссаларини қўшдилар. Партиядан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлаш билан бирга, улар республика давлат мустақиллиги аҳамиятини оммага кенг тушунтиришга ҳам асосий эътиборни қаратдилар.

— Барча участкаларда вакилларимиз ишлашмоқда, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қува район кенгашининг биринчи котиби Феронжон Муҳиддинов. — Эрталаб соат 10.00 даёқ район сайловчиларининг ярмидан кўпи овоз бериб бўлишди.

Қувада айниқса ёш сайловчилар фаоллик кўрсатишмоқда. Бўстон жамоа хўжалиги аъзоларидан 22-сайлов участкасида Равшанбек Юсупов, Абубакир Абдуллаев, 1-сайлов участкасида Жаҳонгир Мираҳмедов, Фозилжон Жўраев, Деҳқонобод қишлоғидаги 6-участкада Роҳатой Ҳамроалиева кабилар биринчи бор сайловда қатнашдилар.

— Ўмримиздаги энг катта фуқаролик бахти бу! Биринчи марта тўғридан-тўғри давлат бошлиғини сайлашда иштирок этяпмиз. Боз устига давлат мақоми қандай бўлишини биз оддий одамлардан сўрашяпти. Шундай экан, биз қарияларни ҳам биринчи бор овоз берганларга қўшиб қўяверинглар, шу кунларга етказган арбобларга раҳмат! «Гулистон» жамоа хўжалигидаги 27-участкада сайлов қутилари ёнига биринчилар қатори келган табаррук отахонлар Исмоил Раҳмонов билан Фазлиддин Саримсоқов ўз дил сўзларини шундай ифодалашди.

А. АБДУБАННОПОВ.

• ҚАШҚАДАРЁ

ХАЛҚНИНГ ФИКРИ ВОЖИБ

Карл Маркс номли давлат хўжалиги марказий кўрғони — Қовчин Қарши районидаги энг йирик қадимий қишлоқлардан бири. Бу ерда 10 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Улардан 4,5 минг нафари сайловда қатнашяпти. Қишлоқдаги Калинин номли ўрта мактабда жойлашган сайлов участкаси байрамдагидек безатилган. Бу ер эрта тонгданоқ сайловчилар билан гавжумлашди. Одамларнинг кайфияти чоғ. Улар бугун республиканинг биринчи Президенти сайлови ва Ўзбекистон мустақиллиги референдумида қатнашяптилар.

Бугунни ҳамма орзиқиб кутганди. Бунинг боиси бор, албатта. Республика тарихи зарварақларида алоҳида битиладиган бу кун мустақиллик ёқланган кун умумхалқ имзоси билан абадийликка муҳрланяпти. Ҳар бир фуқаро истиқлол йўли учун овоз беради. Аммо ким кимни ёқлаб овоз бериши унинг ўзига, виждонига боғлиқ. Сайлов бюллетенларини олиб, кабиналарга кириб чиқаётган кекса-ю-ёш сайловчиларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдик. Ким билан суҳбатлашмайлик, ҳамма бир овоздан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов ишончли ва ҳақиқий номзод эканлигини алоҳида таъкидларди.

— Ўзбекистонимиз тарихида биринчи марта умумхалқ овози билан Президент сайланяпти, — деди Карл Маркс номли давлат хўжалиги ишчиси Насиба Ҳамидова. — Қувончимиз бехад. Мен биринчи бор сайловда қатнашишим. Ислом Каримов номзоди ва республикамиз мустақиллиги учун овоз бердим. Нега дейсизми? У киши халқпарвар, эл дардини тушунадиган, ёшларга, кўпболали оналарга, бева-бечораларга ғамхўр, адолатпарвар инсон. Республикамизга айни вақтда ундан бошқа раҳбарлик қиладиган одам йўқ ҳисоби.

— Ҳозиргача эл фойдасини кўзлаб қанчадан-қанча фармонлар чиқарилди, — дейди Калинин номли мактаб ўқитувчиси Гулчеҳра Отабоева, — Қишлоқларга табиий газ, ичимлик сув келтириш ҳақидаги фармонлари туфайли у киши айниқса оддий халқнинг дуосига қолдилар. Мана масалан, Қовчин қишлоғимизда 300 дан ортиқ хонадон газлаштирилди, ичимлик сув келтирилди, ҳамма кўчалар асфальтланди. Ўқитувчилар ва шифокорлар маоши ошди. Шунинг учун ҳам биз биринчилар қатори Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватладик.

— Саккиз йилдан бери сут соғувчи бўлиб ишлайман, — дейди Халқ демократик партияси аъзоси Шарбатой Бегалиева. — Меҳнатимиз кўзга ташланиб қолди, соғиб олган ҳар бир литр сутга 9 тийиндан ҳақ оляпмиз. Маошимиз кўпайди. Илойим қишлоқ меҳнаткашларига ғамхўрлик қилаётган Ислом ака барака топсинлар.

Биз кўп йиллар давомида шу қишлоқда колхоз раиси бўлиб ишлаган, ҳозир эса меҳнат фахрийси Яхши ота Омоновни суҳбатга тортдик.

— 81 ёшдаман. Қарийб 15 йил район партия, совет ташкилотларида раҳбарлик ишларида ишладим. Улуғ Ватан урушини кўрдим. 18 йил колхозга раислик қилдим. Катта-кичик раҳбарлар билан ишлашга тўғри келди. Аммо Ислом Каримов оддийлиги, камтарлиги ва адолатпарварлиги билан мен шу пайтгача кўрган раҳбарлардан алоҳида ажралиб туради. Эл оқсоқоли сифатида у киши билан бир неча бор суҳбатда бўлдим. Ислом Каримов раҳбарлиги туфайли деҳқон ерли, уйли-жойли бўлди. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш йўлида чиқарган фармонлари иқтисодий қийинчиликлар даврида халқимизнинг оғир кунларини енгиллаштиришга ёрдам қилмоқда. Айниқса кексаларни эъзозлаш, инсонпарварлик, тинчлик ва адолат йўлида ғайрат қилаётган Халқ демократик партиямизнинг раиси Ислом Каримов учун қувона-қувона овоз бердим, Чунки уни халқдан, халқни эса ундан ажратиб бўлмайди.

Бу фикрларни шу хўжаликдаги меҳнат фахрийси Ҳайитбобо Нормонов ҳам қўллаб-қувватлади.

— Илоҳо, у дунёю бу дунёда Ислом Каримовни худо ёрлақасин, — деди у юзларидан нур ёғилиб, — Бахтимиз бор экан, болам, худо бизга ана шундай раҳбарни, у киши орқали эл-юрт мустақиллигини раво кўрди. Болачақасининг роҳатини кўрсин, тупроқ олса олтин бўлсин. Элни деганни ҳамиша эл суяйди.

Овоз бериб чиқаётган фуқароларнинг қайси бири билан суҳбатлашмайлик ҳамма Ўзбекистон мустақиллиги учун, юртнинг муносиб сардори Ислом Каримов номзоди учун овоз берганликларини айтдилар.

— Рўйхатдаги мавжуд 2 мингдан кўпроқ сайловчининг 90 фоизи кундузи соат 14 гача овоз бериб бўлди, — деди участка сайлов комиссиясининг раиси Ҳақберди Жўраев. — Сайловга пухта таёргарлик кўрганимиз зое кетмади.

Шу куни совхоздаги учта сайлов участкасида ҳам президентликка умумхалқ сайлови ва мустақиллик референдуми рисоладагидек ўтди.

М. КАРОМОВ.

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЯКДИЛЛИК

Қорақалпоғистон республикаси меҳнаткашлари бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларига қарамасдан астойдил меҳнат қилиб, 1991 йилни муваффақиятли якунлашмоқда. Саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалигининг кўпчилик тармоқлари бўйича белгиланган режалар ошириб бажарилди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилашда кўп ишлар қилинди. Республикада биринчи марта яхши ният билан ўтган йили кузда, бу йилги баҳорда кузги, ёзги буғдойлар экилиб, яхши ҳосил олинди. Давлатга 220 минг тоннадан кўпроқ шоли топширилди. Мажбурият ошириб адо этилди. Сабзавот, полиз, чорва маҳсулотлари тайёрлашда яхши самараларга эришилди. Кўпчилик давлат ва жамоа хўжаликларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, фермер хўжаликлари, шунингдек гилам, полос, атлас тўқийдиган цехлар ва дурадгорлик устахоналари вужудга келди. Ана шу корхоналар ишга туширилгани муносабати билан уй бекалари ва ишсиз кишилар, иш билан таъминладилар. Булар кейинги йилларда қилинган ҳайрли ишлар самараси.

Орол фожиаси ва Амударё, Сирдарё сувларининг ҳаддан ташқари камайиб кетганлиги туфайли вужудга келган экологик қийинчиликларни бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари раҳбарлари билан ҳамкорликда амалий иш олиб бормоқда.

Эрта тонгданоқ шаҳар ва районлар давлат ва жамоа хўжаликларидаги сайлов участкаларига кишилар Ўзбекистон Президентлигига номзод учун ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини ёқлаб овоз беришга шошилдилар.

Шуманай районидаги Мамий овул Кенгашига қарашли «Комсомол» давлат хўжалигидаги 5-сайлов участкасида бўлдик. Сайлов участкаси Фрунзе номли ўрта мактаб биносига жойлашган. Одамлар эрталабданоқ ахиллик билан овоз беришга келдилар.

— Мен 86 ёшдаман, — дейди сайлов бюллетенини қўлига олар экан кекса пенсионер Ўтаниёз оға Уббиев, — ҳозирги қийинчиликлар вақтинча, ҳаммаси ўтиб кетади. Турмушимизни яхшилаш учун Президентимиз И. А. Каримов қўлидан келганча ҳаракат қиляпти. Биз буни чиқараётган фармонларидан ҳам кўриб турибмиз. Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қатнашчилари, кўп болали оналарга, кам иш ҳақи оладиган оилаларга яқиндан ёрдам бермоқда. Нафақалар ошди. Ўқитувчилар, шифокорлар, ҳамширалар, маданият ходимларининг ойлик иш ҳақлари ҳам кўпаймоқда. Буларнинг ҳаммасига республикамизнинг мустақиллиги туфайли эришилмоқда.

— Мен фақат Ислом Каримовга овоз бераман, — деди давлат хўжалигининг оддий ишчиси Ўтаниёз оға Уббиевнинг ўғли Дарибой Уббиниёзов. — Чунки у ҳамиша биз — пахтакор-деҳқонларга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Шу йилнинг ўзида пахтанинг харид нархи 50 фоизга ошди. Бу йил баҳор ойларидаги табиий офат туфайли Қорақалпоғистон ҳам, районимиз ва хўжалигимиз ҳам пахта тайёрлаш планини бажармади. Аммо Ислом Каримовнинг жами пахта толасининг 5 фоизини хўжалик ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги Фармони кунимизга яради. Биз бундай ғамхўрликка амалий иш билан, деҳқончилик маданиятини ошириш, ҳосилдорликни кўпайтириш йўли билан жавоб берамиз, албатта.

Шу сайлов участкасида овоз бераётган Фрунзе номли ўрта мактаб ўқитувчиси Файзулла Саодатдинов билан ҳам суҳбатда бўлдик. — Муаллимларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — деди у. — Уларга ҳам 25 сотихдан ер берилди. Газ, электр энергиясидан бепул фойдаланмоқдамиз. Иш соатимиз камайтирилди. Ойлик иш ҳақимиз яна ошмоқда. Ўзингиз ўйланг, бизга мана шундай ғамхўрлик кўрсатаётган И. Каримовга овоз бермай кимга берайлик. Ислом аканинг отасига раҳмат. Элпарвар Президентимизга ҳамиша омад ёр бўлсин.

Шу овул Кенгаши ҳудудидаги Абай номли, Ленин номли, «Шуманай», Жамбул номли сайлов участкаларида ҳам сайловчилар якдиллик билан овоз бердилар. Сўровлар ҳамманинг нияти холис, халқнинг фикри бир хил эканлигини, мустақиллик учун ва мустақил республиканинг биринчи марта эл сайлаб қўядиган Президенти И. А. Каримов номзоди учун овоз берилганлигини тасдиқлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

• ХОРАЗМ

ИСТИҚБОЛ УЧУН

Шундай кунлар бўладики, унинг қадр-қимматини, мамлакат халқлари ҳаётида тутган ўрнини баҳолаш қийин. 29 декабрь ҳам ўзбекистонликлар ҳаётида ана шундай муҳим сана бўлиб қолади. Бугун тарихда биринчи маротаба халқимиз ўз давлатининг мустақиллиги, ўзи муносиб кўрган Президентни сайлаш учун овоз берди.

Урганч шаҳридаги Максим Горький номли сайлов участкасидамиз. Бино пештоқида жумҳуриятимизнинг янги байроғи ҳилпираб турибди.

Сайлов участкасида кишиларнинг овоз бериши учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Савдо ходимлари ҳам яхши ҳозирлик кўриб кичик озиқ-овқат ярмаркаси ташкил этишди.

Участкага одамлар эрта тонгданоқ кела бошлашди. Уларнинг фикрини билиш мақсадида айримларини суҳбатга тортдик.

— Мен республикамиз мустақиллиги учун овоз бердим, — дейди Маҳмуд Қодиров. У вилоят ипакчилик бирлашмасида муҳандис бўлиб ишлар экан. Шундай тарихий кунда иштирок этаётганлигимдан мамнунман. Бу менимча ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро учун фахрли бурчдир. Шу билан бирга мен Ислом Каримов учун овоз бердим. У Ўзбекистоннинг мустақиллиги, иқтисодий-сиёсий жиҳатдан қаддини ва қадрини кўтариш учун кўп ишларни амалга оширяпти. Унинг бундан кейин ҳам юртимизнинг фаровонлиги, гуллаб-яшнаши йўлида бел боғлаб курашишига ишонаман. Худди шундай жиҳатлар унинг сайловолди дастурида аниқ-равшан баён этиб берилган.

Муҳандис Ж. Матназаров ҳам худди шундай фикрда экан.

— Менга Ислом Каримовнинг чет давлатлар билан олиб бораётган сиёсати ҳам кўпроқ маъқул тушяпти, — дейди у. — У Президент бўлиб сайлангач бу йўналишдаги ишлар янада кенгроқ авж олишига, республикамизнинг жаҳондаги ўрни ва обрўсининг кўтарилиши учун кўп ишлар қилишига аминман.

— Мен эса Муҳаммад Солиҳ учун овоз бердим, — дейди Б. Сандов. У Урганчдаги қишлоқ хўжалиги машиналари заводида слесарь бўлиб ишлайди. — Менга Муҳаммад Солиҳнинг собитқадамлилиги, ҳур фикрлилиги маъқул тушади.

— Участкамизда 1399 сайловчи бор, — дейди участка раиси Б. Маҳмудова, — уларнинг аксарияти сайловда фаол қатнашишди. Турли сабабларга кўра қатнашаолмаётган, уйда овоз берганлар учун ҳам шарт-шароит яратдик. Уларнинг уйига сайлов қутилари олиб боришди.

Вилоят сайловчилари Ўзбекистон мустақиллиги, унинг равнақи учун баҳамжиҳатлик билан овоз бердилар.

А. ҚОРЖОВОВ.

МУШТАРАК БАЙРАМ

Ўлкамизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва мустақиллик референдуми юксак уюшқоқлик билан байромона ўтди. Сайловнинг демократик руҳда ўтишини кузатиш учун хориждан келган меҳмонлар орасида Туркия Буюк Миллий Мажлиси аъзолари Шоди Пеҳливан ўғли ва Раҳми Узер жаноблар ҳам бор эди. Муҳтарам меҳмонлар «Ўзбекистон овози» муҳарририяти ҳам бўлиб сайлов тавассуротларини ўртоқлашдилар. Мухбиримиз билан суҳбатда туркиялик меҳмонлар кўтаринки руҳда ўтган сайловни ўзбек ва турк халқларининг мустақил байрами, деб таърифладилар.

Шоди ПЕҲЛИВАН ўғли, Она Ватан партиясидан: — Аввало шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбек халқининг байрамида иштирок этганимдан бахтиёрман. Зеро, ўзбек халқи мустақил Ўзбекистон Президенти учун овоз берди. Халқ ҳуррияти, мустақиллиги ёқлади. Шу боисдан ҳам сайлов чинакам халқ байрамига айланди ва демократик руҳда ўтди.

Биз шу байрамда қатнашганимиздан бахтлимиз. Чунки сизнинг байрамингиз бизнинг байрамимиз. Ўзбекларнинг байрами — туркларнинг ҳам байрамидир.

Яна шуни таъкидламоқчиманки, мустақил ҳаёт курашлар, демократия асосида қурилади. Бу борада давлат дарғаларининг, матбуотнинг роли беқиёс каттадир. Мен бу ўринда Президент Ислом Каримов ҳамда сизнинг газетангизни назарда тутяпман. Мустақил ҳаётда асосий масъулият шуларнинг зиммасига тушди. Рўзнома халққа тўғри йўл кўрсатиши, демократияга хизмат қилиши керак.

Туркларнинг ўзбекларга ҳурмати зўр. Мана шу сайлов кунлари, янги йил олдидан сизлар билан бирга бўлиш насиб этди. Бунинг учун худога шукурлар айтамиз.

Сизларни ҳам, Президент Ислом Каримовни ҳам сайловнинг муваффақиятли якунлари билан табриклайман. Бу қутлуғ кунлар муборак бўлсин.

Раҳми УЗЕР, Тўғри йўл партиясидан: — Биз Ўзбекистонда ўзимизни ўз уйимиздагидек ҳис қиляпмиз. Чунки дилимиз, тилимиз, динимиз бир халқлармиз.

Биз узоқ йиллар бир-биримиздан ажралиб яшаганимиз туфайли тилимизда бироз ўзгаришлар юз берган. Лекин бундан буёғига бориш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЭРКИН НАРХ БЕЛГИЛАШ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ДОИР ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Нарх-наво ҳамон ошиб бораётганини ва шу муносабат билан аҳоли манфаатларини ҳамда турмуш даражасини ҳимоя қилиш зарурлигини эътиборга олиб:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан, давлат муассасалари ва уй-жой-коммунал тармоқ ходимларининг иш ҳақи 1991 йилдагига нисбатан 2 баравар ва асос қилиб олинган (1990) йилга нисбатан 4,5 баравар оширилсин.

2. Олий ўқув юртлари студентларининг, техникумлар ҳамда республика ҳукуматининг қарорларига биноан кийим-кечак ва овқат билан таъминланмаётган ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 2,2 баравар оширилиб, имтиёзли овқатланишга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат нафақаси нинг энг кам миқдори (компенсацияни ҳисобга олиб) ойига 350 сўм белгилансин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 350 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Вазирликлар, идоралар, корхоналар ва хўжаликлар ушбу фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи ва меҳнат нафақасини ҳисобга олиб, эркин ва шартномавий нархлардан кенг фойдаланилаётганлигини назарда тутиб, 1992 йилда ишловчиларнинг иш ҳақи янада оширилишини таъминловчи тадбирларни рўёбга чиқаришни, истеъмол фонди бўйича илгари белгиланган ҳар қандай чеклашларни бекор қилишни, ишлаб чиқаришни ўстиришнинг мавжуд захираларини жалб этишни кўзда тутсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларинг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб республика мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячиларига, ўқитувчиларига, ҳунар-техника таълими системаси муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни назарда тутувчи қарор лойиҳасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунчиликни мазкур фармонга мувофиқлаштириш ҳақида таклифлар тайёрласин.

9. «Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси турмуш даражасига мадад бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 16 ноябрь 291-сон фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВИЛОЯТЛАРИДАГИ МУСИҚАЛИ ДРАМА ТЕАТРЛАРИ БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Узоқ йиллик ҳалол меҳнати, ўзбек миллий театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»:

Баҳоев Убайдулло Омонович — Садриддин Айний номидаги Бухоро давлат вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри

Мамедова Турсуной — Алишер Навоий номли Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Раҳимова Бикажон — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Сайбурхонов Обиджон — Охунбобоев номли Андижон вилоят театрининг артисти

Хотамова Ёқиной Ғаниевна — Фарғона вилоят ўзбек мусиқали ва комедия театрининг артисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби»:

Букин Вячеслав Викторович — М. Горький номли Фарғона давлат вилоят рус драма театрининг бадиий раҳбари

Нурмонов Иброҳим — Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳридаги А. Мажидий номли давлат ўзбек драма театрининг саҳналаштирувчи режиссёри

Раҳимов Қадамбой — Огаҳий номидаги Хоразм вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг бош режиссёри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»:

Абдуллаев Файзулла Нарзуллаевич — Садриддин Айний номли Бухоро давлат ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Абдураззоқов Абдуғани — Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳридаги А Мажидий номли давлат ўзбек драма театрининг артисти

Азимов Муҳаммаджон — Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Отажонов Бекжон — Огаҳий номли Хоразм вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Қодирова Дилбар — Охунбобоев номли Андижон вилоят театрининг артисти

Мақсудов Феруз Саъдиевич — М. Горький номли Фарғона давлат вилоят рус драма театрининг артисти

Мамадхонов Баҳодир — Охунбобоев номли Андижон вилоят театрининг артисти

Перевалиева Светлана Николаевна — М. Горький номли Фарғона давлат вилоят рус драма театрининг артисти

Расулова Карима — Алишер Навоий номли Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Раҳматова Мавжуда — Юнус Ражабий номли Жиззах вилоят мусиқали драма театрининг артисти

Раҳмонов Мирзаабдулла — Алишер Навоий номли Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Содиқова Муҳаббат — Садриддин Айний номли Бухоро давлат вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Хожинабиева Ҳабиба — Фарғона вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Эштўхтарова Олия — Юнус Ражабий номли Жиззах вилоят мусиқали драма театрининг артисти

Йўлдошев Ғолиб Ҳамидович — Юнус Ражабий номли Жиззах вилоят мусиқали драма театрининг артисти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»:

Абдуғафуров Абдушукур — Охунбобоев номли Андижон вилоят театрининг маъмурият бошлиғи

Жумаев Исомиддин — Садриддин Айний номли Бухоро давлат ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Девонов Шухрат — Огаҳий номли Хоразм вилоят ўзбек мусиқали драма ва комедия театрининг артисти

Жўрабоев Турғунбой — Фарғона вилоят ўзбек драма ва комедия театрининг саҳна безакчиси

Имонжонов Иномжон — Алишер Навоий номли Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театри ишлаб чиқариш бўлимининг мудири

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Азимов Неъмат —Юнус Ражабий номли Жиззах вилоят мусиқали драма театрининг артисти

Бурлакова Лидия Павловна— М. Горький номли Фарғона давлат вилоят рус драма театрининг артисти

Йўлдошева Муҳаббат — Самарқанд вилоят Каттақўрғон шаҳар А. Мажидий номли давлат ўзбек драма театрининг артисти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1991 йил 28 декабрь.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра кўп йиллик самарали меҳнатлари ва маҳаллий саноатни ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссалари учун маҳаллий саноат вазирлиги корхоналарининг 62 нафар ишчи-ходими республика фахрий унвонлари ва фахрий ёрлиғи билан тақдирландилар.

(Мукофотланганлар рўйхати рўзноманинг навбатдаги сонларида эълон қилинади.)

МИНСКДА ИШ БОШЛАНДИ

МИНСК, 30 декабрь. ЎзТАГ махсус мухбири Лев Левин хабар қилади:

Беларусь миллий қийимидаги қизлар мустақил давлатлар ҳамдўстлигига аъзо бўлган республикалар бошлиқларининг учрашувида қатнашиш учун бу ерга келган Ўзбекистон делегациясини анъанага кўра нон-туз билан кутиб олдилар. Делегацияга Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилик қилмоқда. Делегация таркибида республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон вице-президенти Ш. Р. Мирсаидовлар бор.

Минск аэропортида меҳмонларни Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси С. С. Шушкевич, республика Бош вазири В. Ф. Кебич кутиб олдилар.

Учиш майдонида фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси давлат мадҳиялари янгради. И. А. Каримов билан С. С. Шушкевич фахрий қоровул сафини айланиб чиқдилар.

И. А. Каримов аэропортда журналистлар билан қисқа суҳбатда учрашувнинг ташкилотчиларига Беларусь диёрида самимий кутиб олганликлари учун миннатдорчилик билдирди. Ҳозир, деди у, мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг муқобил йўли йўқ. Мустақил республикаларнинг бошлиқлари фақат умумий ёндашувларни ишлаб чиқишлари, бир қанча ҳаётий муҳим, баъзан эса жуда ўткир масалалар юзасидан, шу жумладан ҳамдўстлик тузилгандан кейин пайдо бўлган масалалар юзасидан ўзаро келишиб олишлари зарур.

Минскда ҳозирги учрашув ана шунга хизмат қилиши керак. Бу борада иш бошлаб юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИДА

28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ва Ўзбекистон Давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдумга кузатувчилар сифатида таклиф этилган Туркия, АҚШ, Малайзия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Эстония парламентларининг вакиллари билан учрашув бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев кузатувчиларга республикадаги ишларнинг аҳволи, унинг иқтисодиётида, ижтимоий-сиёсий соҳада юзага келаётган вазият ҳақида кузатувчиларга ахборот берди. Шундан сўнг марказий сайлов комиссиясининг раиси Қ. А. Аҳмедов бўлажак сайлов ҳамда референдум муносабати билан олиб борилган тайёргарлик ишлари, сайлов комиссияларининг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Фикр алмашув чоғида меҳмонларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТАН ОЛИНАЕТГАНЛИГИ ҲАҚИДА ХАБАРЛАР КЕЛИБ ТУРИБДИ

Исроил давлати собиқ СССРнинг ўзини мустақил деб эълон қилган барча республикаларини расмий равишда таниш ва улар билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг аъзоси, ташқи ишлар вазири Тянь Ти Чень Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига мурожаатномасида Хитой ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олишга аҳд қилганлигини ва дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисида Ўзбекистон ҳукумати билан музокара олиб боришга тайёр эканлигини айтди. ХХР бундан буён ҳам Ўзбекистон билан анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга тайёр эканлигини маълум қилди.

Аргентина Республикаси элчихонасининг мухтор вакили Жоакин Даниель Остеро Аргентина ҳукумати Ўзбекистон Республикасининг шу йил 2 сентябрда эълон қилинган мустақиллигини тан олиш тўғрисида 26 декабрда расмий қарор қабул қилганлиги ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигини хабардор қилди. Аргентина билан Ўзбекистон ўртасида дипломатия муносабтлари ўрнатиш масаласи тегишли имконият вужудга келган пайтда ҳал этилади.

* * *

Америка Қўшма Штатларининг Президенти Жорж Буш Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга шахсий мактуб йўллади. Мактубда бундай дейилади: «Қадрли жаноб Президент, мамлакатингизда юз берган тарихий ўзгаришларни ва собиқ Совет Иттифоқи республикаларини бирлаштириб турган иттифоқнинг тугаганлигини ҳисобга олиб, Қўшма Штатлар ҳукумати Ўзбекистон мустақил давлат сифатида танилганлигини сизга хабар қилишдан мамнунман».

Мактубда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида ўзаро алоқаларни ўрнатиш йўллари белгиланган.

Мактубда Қўшма Штатлар собиқ иттифоқ республикалари билан ўз муносабатларида қуйидаги қоидаларга амал қилиши таъкидланади:

Бўлажак сиёсий бирлашмаларнинг тинч, демократик йўл билан барпо этилиши;

мавжуд ички ва ташқи чегараларнинг ҳурмат қилиниши; сиёсий ўзгартиришларни амалга оширишда қонунга асосланган ҳокимиятнинг мадад бериши ва демократия жараёнларидан фойдаланиш;

инсон ҳуқуқларига кафолат бериш ҳамда халқаро меъёрлар ва мажбуриятларни ҳурмат қилиш;

шунингдек Хельсинки якунловчи ҳужжатига ва Париж хартиясига риоя қилиш.

Мактубда Ўзбекистон ядросиз давлат сифатида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилиш учун ҳаракат қилади, деб умид билдирилган.

АҚШ Ўзбекистон Республикасининг бозор иқтисодиёти ўрнатилиши тарафдори эканлигига ва энг муҳим ҳарбий масалалар ва халқаро хавфсизлик масалалари юзасидан масъулиятли сиёсат ўтказилишига катта аҳамият беради.

Жорж Буш мактубининг охирида икки ҳукумат ўртасида алоқалар давом эттирилишига ва мамлакатларимиз ўртасида ижобий, самарали муносабатлар ўрнатилишига умид билдирди.

* * *

Япония ташқи ишлар вазири Митио Ватанабэнинг айтишича, Япония ҳукумати 1991 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини тан олди.

Япония ҳукумати ва япон халқи Ўзбекистон Республикасининг халқи ва ҳукуматини мустақиллик билан самимий табриклайди. Шу ҳудо ёрлақаган воқеадан фойдаланиб, деди Ватанбэ, Япония ҳукумати ва япон халқи Ўзбекистон Республикасига гуллаб-яшнаш истагини билдираётганлигини ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга зўр бериб интилаётганлигини маълум қилиш шарафига муяссарман.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

15/I да — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
16/I да — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
17/I да — СЕВГИ ҲАҚИДА АФСОНА.
19/I да — ЧИППОЛИНО (12.00), **БАЛ-МАСКАРАД** (19.00 премьера).
23/I да — ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН.
24/I да — ШОИРОНА ЛАВҲАЛАР.
25/I да — ИОЛАНТА.
26/I да — МАЛИКАЙ АИЕР. (12.00), **ОҚҚУШ КУЛИ** (19.00).
28/I да — ФИГАРОНИНГ ТУЙИ.
29/I да — БОҒЧАСАРОЙ ФАВВОРАСИ.
30/I да — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
31/I да — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.

Касса эрталаб 10.00 дан бошлаб ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон жамоа хўжалигида қурилишларни олиб борувчи бирлашмасига қараши ли ҳудудий қурилиш бошқармаси.

ТУГАТИЛДИ

Ташкилотларнинг барча даъволари 1992 йил 15 январгача қабул қилинади.

Юк ташиш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш Тошкент дирекцияси
1992 йил 1 январдан

ТУГАТИЛАДИ

Унинг ҳўқуқий ворриси — янги ташкил қилинган Тошкент йўл бўлими.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700015, Тошкент шаҳри, Привокзальная кўчаси, 7-уй.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Узплодоовощвинпром» Концерни аппарати жамоаси Концернинг масъул ходими Д. Х. Акбарҳўжаева онаси

Санда АКБАРХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат университети ва физика факультети жамоаси умумий физика кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор

Маҳмуд Асқарович МАЪРУПОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси жамоаси мусиқа муҳарририятининг бўлим мудири А. Мирҳабибовга акаси

Илёс МИРҲАБИБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳининг ректорати ва маҳаллий қўмитаси ҳамда кимё-технология куллиётининг «Назарий кимё» кафедраси жамоаси олий билимгоҳ махсус кенгашининг аъзоси, кафедранинг илмий маслаҳатчиси Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, кимё фанлари доктори, профессор М. А. Асқаровга укаси

Маҳмуд Асқарович МАЪРУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат қўмитаси Жумҳурият телевиденнесининг жамоаси адабий-мусиқий кўрсатувлар ижодий бирлашмаси директорининг ўринбосари Д. Зиёдовага онаси

Раҳима ЗИЁДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат санъат олий билимгоҳи жамоаси рангтасвир кафедрасининг катта ўқитувчиси С. Р. Раҳметовга отаси

Ғафур РАҲМЕТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ПРЕЗИДЕНТНИ ХАЛҚ САЙЛАДИ

Биз ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз истиқболини ўзимиз ҳал этамиз. Миллий, маънавий ва маданий анъаналаримизни тиклаймиз, ўз еримиз ва бойликларимизга ўзимиз эгалик қиламиз. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир аҳолининг фаровон яшашига имконият яратамиз. Тенглар орасида тенг бўламиз, эркин ва ҳеч қандай воситачиларсиз халқаро алоқалар ўрнатамиз.

Ўзбекистон диёрида яшаётган миллионлаб оилалар бадавлат бўлмасдан туриб, давлатимиз бой бўлолмайди — бизнинг бугунги кундаги шиоримиз шу. Бу жамиятимизнинг етакчи сиёсати бўлиб қолади.

Агар аҳил бўлсак, хотиржам ва ҳамжиҳат бўлсак, улуғ мақсадларимиз йўлида, халқ тили билан айтганда, бир ёқадан бош чиқарсак, турлича қарашларда бўлишимиз мумкинлигидан қатъий назар, улуғ мақсадимиз — ҳақиқий мустақилликка эришмоғимиз муқаррар!

Республикамиз меҳнаткашларининг аксарияти ана шу асрий эзгу ниятлар учун, ўзлари танлаган Президентликка номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз бердилар. Сайлов натижалари ёрқин кўрсатиб турганидек, эзгулик, адолат, халқ иродаси ғолиб келди. Халқимизнинг, ҳуррияпарвар бутун инсоният иродаси, ифодаси бўлган бу ғалабада республика Халқ демократик партияси аъзоларининг ва унинг ижтимоий-сиёсий рўзномаси «Ўзбекистон овози» жамоасининг муносиб ҳиссаси борлигидан мамнунмиз.

И. А. Каримовнинг сайловдаги муносиб ғалабаси билан ўзбек халқигина эмас, балки мустақил, ҳамдўст давлатлар ҳам, чет эл фуқаролари ҳам чин дилдан табриклашмоқдалар ва муборакбод этмоқдалар. Юртга ва халққа садоқат сингари фазилатларни асраб-авайлаб, ўз фарзандларининг қон-қонига сингдираётган, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устивор бўлаётган меҳнаткаш халқ дил сўзларини билдирмоқдалар.

Энг асосийси эса — маънавий ва ахлоқий пок бўлиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатларга эга бўлиш — Мустақилликни барқарор қилиш йўлидаги олий иродамиз бўлиб қолади Бунга ишончимиз комил.

«Ўзбекистон овози» рўзномаси таҳрир ҳайъати.

ХАЛҚ ТАНЛАБ САЙЛАГАН ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВГА!

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Тарихда халқ ҳар қачон ҳақ, адолат йўлини тутган. Айни замонда эл ғамида яшаган кишилар ҳам ҳамиша муродига етиб келган. Ўзбекистон Республикаси халқлари учун чинакам байрам бўлган шу кунларда, сиёсий курашларда ғолиб чиқиб, мустақил жумҳуриятимизнинг халқ танлаб овоз берган биринчи Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан Тошкент районининг 120 минг кишилик кўп миллатли аҳолиси номидан Сизни самимий муборакбод этамиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши, кишиларнинг фаровон ҳаётга эришиши йўлида тадбиркорлик билан олиб бораётган доно сиёсатингиз, миллий қадриятларимизни тиклаш борасидаги жасоратингиз ҳур фикрли инсонлар қалбидан чуқур жой олди. Шу сабабли ҳам бутун Ўзбекистон халқи Президентликка Сизни танлади. Бу — ўзбек халқининг Сизга бўлган юксак ишончи, меҳр-оқибати ҳамда изчил амалга ошираётган ишларингизга берган муносиб баҳосидир.

Халқимизнинг асрлар бўйи эришолмаган орзулари рўёбга чиқмоқда. Шу боисдан биз якдиллик билан Сизга эргашмоқдамиз. Сиз бошлаган улуғ ишларнинг амалга ошишида боболаримиз руҳи мададкор бўлсин!

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Ўзбекистон Республикасининг келажак истиқболи порлоқ эканлигини дилдан сезиб турибмиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир фуқаро бу режаларни амалга ошириш учун камарбаста бўлиши даркор. Буни Тошкент районининг аҳолиси чуқур ҳис этади, унинг рўёби учун бутун кучқувватини, бор имкониятини сарфлайди. Республикамиздаги барча ҳамюртларимизни шунга даъват этамиз.

Ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич, ўзбек халқининг Сиз каби асл фарзандлари борлигидан фахрланамиз. Шунинг учун ҳам халқ фаровонлиги йўлида қилаётган саъй-ҳаракат ва ташаббусингизни ҳамиша ва ҳар қандай шароитда қўллаб-қувватлаймиз, ҳимоя қиламиз.

Р. АКБАРОВ,
Халқ депутатлари Тошкент район Кенгашининг раиси,
Қ. ҒОФУРОВ,
Халқ демократик партияси район Кенгашининг биринчи котиби.

ИЛОҲИМ ОМАДИНИ БЕРСИН

Аллоҳ-таолога минг қатла шукурки, мана шундай озод, ҳур замонларга ҳам етиб келдик. Бугун эрта тонгданоқ кўнглимда тугиб юрган ниятимни амалга ошириш учун бутун оилам — турмуш ўртоғим, етти фарзандим, 18 неварами бошлаб сайлов участкасига бордим. Ниятим битта — Ўзбекистон мустақиллигини ёқлаш, республика президентлигига Ислом Каримовни сайлаш эди. Бир менингина эмас, бутун Отбозор қишлоғида истиқомат қилаётган деярли 10 минг кишининг орзуси бугун ушалди.

Ислом Каримовнинг номи, унинг амалга оширган қутлуғ ишлари жумҳуриятимиз тарихига тилла ҳарфлар билан ёзишга лойиқ. Ўзбек халқи уни етук сиёсатчи, оқил давлат арбоби, билимдон иқтисодчи сифатида таниган олди.

Республикамиз 70 йиллик сарсонлик — саргардонликдан кейин энди ҳақиқат йўлига чиқаяпти. Менинг бутун умрим меҳнат билан ўтди. Улуғ Ватан урушининг бошидан охиригача турли фронтларда жанг қилдим. Аммо инсон сифатида Ислом Каримовнинг жасорат ва матонатига қойил қолаяпман. Унинг ҳозирги жўръати, масъулиятини айтинг! Шундай йўлбошчимиз бор экан, халқимиз ҳеч қачон хор бўлмайди.

Худойназар ҚУВВАТОВ,
Бухоро вилояти Отбозор қишлоқ кенгаши меҳнат фахрниси.

• *Дўстларимиз мулоҳазалари*

ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини қузатиш мақсадида жумҳуриятимизга собиқ Иттифоқнинг мустақил давлатларидан, шунингдек хорижий мамлакатлардан бир неча ўнлаб қузатувчилар ташриф буюришди. Мухбиримиз Беларусь Республикасидан келган вакиллар — жумҳурият халқ депутатлари билан суҳбатлашди.

— Аввало сайловга тайёргарлик ва унинг қандай ўтганлиги ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик?

Н. Г. ГУШЕЛЬ: — Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси аъзоси:

— Очиғини айтиш керак, сайлов ва референдумга тайёргарлик ишлари жуда пухта олиб борилган. Биз жойларга бориб сайлов участкаларини кўрганимизда бунинг гувоҳи бўлдик. Мазкур участкаларда Президентликка номзодларнинг расми, таржимаи ҳоли ёзилган варақалар, якдилликка чақирувчи шиорларни кўрдик.

Биз Тошкент шаҳридан ташқари вилоят районларида, жумладан Чирчиқ шаҳрида ҳам бўлдик. Меҳнат жамоаларига бориб сайловчилар билан учрашдик. Уларнинг сайлов ва референдум ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини тингладик. 29 декабрда эса бевосита сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёнини кузатдик. Айтиш керакки, сизларда сайлов маданийлашган давлатлардаги сингари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос тарзда муваффақиятли ўтказилди.

— Маълумки, яқинда Тошкентда Ўзбекистон билан Беларусь республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида шартнома имзоланганди. Сиз икки томоннинг манфаатли алоқаларнинг ўрнатилишига қандай қарайсиз?

З. В. ПЕНЬКОВА. —Беларусь Республикаси Олий Кенгаши миллий масалалар ва миллатлараро муносабатлар доимий комиссияси аъзоси:

— Ўзбекистон билан Беларусь Республикаси ўртасидаги шартнома ва битимни биз депутатлар қоиқиш билан кутиб олдик. Негаки, бундай алоқалар узилган иқтисодий-ижтимоий, маданий ва дўстлик ришталарини қайтадан боғлашга ёрдам беради. Энг муҳими бу нарса илгаригидек марказ бўйруғи билан эмас, балки халқларнинг ўз хоҳиш-иродасига кўра амалга оширилади. Демак, унинг амалга оширишидан ҳар икки томон ҳам манфаат кўради.

— Ўзбекистон, унинг пойтахти ва одамлари сизларда қандай таассурот қолдирди?

Р. Н. МАТУСЕВИЧ. — Беларусь Республикаси халқ депутати:

— Жумҳуриятингизга биринчи бор ташриф буюришимиз. Илгари сизнинг меҳмондўстлигингиз ҳақида кўп эшитгандик. Мана, ўзимиз бунинг шоҳиди бўлиб турибмиз. Халқингиз жуда меҳнатсевар, ижодкор, гўзалликни қадрловчи халқ экан.

Биз бир қатор меҳнат жамоаларида бўлиб, одамлар билан суҳбатлашдик. Уларнинг кўпчилиги бўлажак Президентга ҳукуматга ишонишяпти, ўз орзу-умидларининг рўёбга чиқишини мустақил жумҳуриятнинг тараққиёти билан боғлашяпти. Бу йўлда улар шу юртда яшаётган барча халқларни баҳамжиҳат меҳнат қилишга чақиришмоқда. Менимча, истиқболга интилаётган ажойиб халқингизнинг, республикангизнинг келажаги порлоқ бўлади. Бугунги кунда амалга оширилаётган яратувчилик ишлари шундан далолат бериқда.

Суҳбатдош: «Ўзбекистон овози» мухбири

А. БОЛИЕВ.

Амалий изга тушмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида 27 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида тузилган шартномалар ва битимларни рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди. Унда республика вазирликлари, муассасалари ҳамда ширкат корхоналарнинг масъул ходимлари иштирок этдилар. Бу, борада кенг кўламда ишлаб чиқилган тадбирларни амалга ошириш йўллари белгилаб олинди.

Йиғилишни Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов олиб борди.

(ЎзТАГ).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-53-[illegible]; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

УЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода —3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») —общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 253.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 3.00 Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.